



Саддам Хусайн хам аста-секин ўз шахсига сигинишни шаклантирди. Бу холат айникса, к уйидаги мисолларда ёркин намоён бўлди:

Саддам Хусайн номи билан аталган Багдод аэропортида мамлакат президентининг портретлари илиниб турар, шаҳар вокзалининг бетон устунларида эса «Аллох ва Президент биз билан, йўколсин Америка!» деган ёзув битилган эди. [\[1\]](#)

У Кадимий Бобилнинг тиклашда ишлатилган хар ўнта гиштнинг бирига ўзининг исмини ёзиб қўйиш хакида буйруқ берди. Ушбу буйруқ натижасида Шох Навухудонсорнинг кадимий саройи қайта курилди, унинг гиштларига эса Саддамнинг исми ёзиб чиқилди.

Саддам Хусайн давридаги кўплаб саройларнинг гиштларига унинг имзоси ёки «Саддам Хусайн даврида курилган» деб ёзилган саккиз бурчакли юлдуз ўйиб ёзилди.

1991 йилда мамлакатда Ирокнинг янги байроги қабул қилинди. Хусайн бу байроқка ўз қўли билан «Аллоху акбар» деб ёзиб қўйди. Бу ёзувдан ташқари байроқда БААС партиясининг шиори – бирлик, озодлик ва социализм рамзи бўлган учта юлдуз ҳам бор эди. Байроқ 2004 йилгача шу қўринишда қолди, сўнгра янги Ирок ҳукумати Саддам Хусайн даврини эслатиб турувчи белги сифатидан ундан воз кечди. [\[2\]](#)

Саддам Хусайн хукмронлиги даврида Ирокдаги деярли барча давлат муассасаларида унинг сон-саноксиз хайкаллари ва портретлари ўрнатилди. Унинг биринчи хайкали 1989 йил 12 ноябр куни Багдодда ўрнатилди. Багдод кўчаларида, хар бир бино ва ташкилотни, хатто деворлар, дўкон ва меҳмонхоналарни ҳам унинг минглаб хайкаллари босиб кетди. Давлат рахбарининг портрети турли-туман шакл ва кўринишларда бўлар, Саддам хали маршал мундирида, хали давлат арбоби либосида, гидроэлектрстанциялар ёки тутун чикиб турган завод кувурлари олдида, кўлида милтик билан пальтода, дехкон ёки бадавий ва хоказолар либосида тасвирланар эди. [\[3\]](#)

СССР ташки ишлар министри Э.Шеварднадзенинг ёрдамчиси ва котиби Теймураз Степанов 1989 йилда рахбари билан бирга Ирокка борганида кундалигига шундай деб ёзган эди: «Багдод давлат рахбарининг портретлари сони бўйича дунёда биринчи ўринда туриши аниқ (Пхеньян ва Дамашкдан ҳам олдинда)».

[\[4\]](#)

Мамлакатдаги барча вазирликларда Саддамнинг у ёки бу вазирликнинг фаолиятига мос либос ва жихозлар билан тасвирланган улкан портретлари осилиб турарди. Вакт ўтиши билан Саддам Хусайннинг портретлари деярли барча жойда – калитнинг халкасида, соч тўғногичда, ўйналадиган карталарда ва кўл соатларида пайдо бўла бошлади. Саддам Хусайннинг мисли кўрилмаган жасоратлари хакида романлар ёзилар, фильмлар суратга олинарди.

Телевидениеда экраннинг бир бурчида Саддам Хусайннинг масжид олдидаги сурати туриши шарт килиб қўйилди. Хар намоз пайти бўлганида Куръон тиловати қўйилиб, президентнинг намоз ўқиётгани тасвирланарди. 1998 йилдан бошлаб эса дохийнинг хар тугилган кунида биттадан янги масжид очиладиган бўлди.

Ирок оммавий ахборот воситалари Саддамни миллат отаси, мактаб ва шифохоналар куриб берган зот сифатида тасвирлаши лозим эди. У хукмронлик килган даврдаги кўпгина видеолавхаларда ирокликлар президентнинг ёнига келиб, унинг қўлини ёки ўзини ўпаётгани тасвирланган. Мактаб ўқувчилар президентнинг шонли хаёт йўлини мадх килувчи касидалар ўқишарди. Мактабдаги дарсликларнинг биринчи саҳифасида Саддамнинг сурати босилар, китобларнинг Саддам Хусайн суратлари ва сўзларидан иктибослар билан тўлиб-тошган саҳифаларида эса дохий ва БААС партияси улугланарди. [\[5\]](#) Газеталардаги маколалар ҳам, илмий асарлар ҳам президентни улуглаш билан бошланиб, яна шундай якунланарди.

Жуда кўплаб муассасалар, курул-яроғлар ва туманларга унинг номи берилган эди: Саддам номли халқаро аэропорт, Саддам номли стадион, Саддам Хусайн номли кўприк (2008 йилда имом Хусайн кўприги деб номланган)

[\[6\]](#)

, Бағдоддаги «Саддам-сити» мавзеси, «Ал-Хусайн» ракеталари (бунгача номи «Скад» бўлган), Саддам Хусайн университети (хазир «Ал-Нахрайн» университети), Саддам санъат маркази, Саддам номли тўғон, 28 апрель кўчаси (Саддамнинг тугилган куни; 2008 йилда «Ал-Салхия» кўчаси деб номланди).

[\[7\]](#)

Босиб олинган Кувайт Ирокнинг «Ас-Саддамия» номли 19-вилояти деб эълон қилинган эди.

[\[8\]](#)

[\[9\]](#)

Саддам Хусайн «миллат отаси» ҳисоблангани учун у махсус телефон жорий қилган бўлиб, фуқаролар шу телефон орқали у билан «маслаҳатлашиши», ўзининг норозилигини билдириши мумкин эди. Бироқ, бу телефон биров вақтдан сўнг бекор қилинди.

Саддам шахсига сигинишнинг энг ёрқин кўринишларидан бири – унинг сурати туширилган қогоз пул ва тангаларнинг муомалага чиқарилиши бўлди. Саддамнинг сурати туширилган дастлабки тангалар 1980 йилдаёқ зарб қилинган эди. 1986 йилдан буён Ирок президентининг портрети мамлакатдаги барча пулларда босила бошлади. Саддам Хусайн ҳукмронлик қилган давр мобайнида Ирокда икки хил валюта – эски ва янги динарлар муомалада бўлди. Саддамнинг сурати туширилган динарлар Форс кўрфазидаги урушдан кейин узил-кесил жорий қилинди (1991). Эски динарлар эса Ирокнинг шимолидаги мухтор вилоят – Курдистоннинг асосий пул бирлиги ҳисобланади.

Абу Муслим. "Шахсга сигиниш" китобидан

---

[\[1\]](#) Олег Ермолаев. В Багдаде не все спокойно. Тюменская региональная интернет-газета «Вслух.ру» (10 октября 2001).

[\[2\]](#) С иракского флага уберут автограф Хусейна. «Подробности-ТВ» (23 января 2008).

[3] Ефим Шуман. Саддам Хусейн: на вершине власти. НЕМЕЦКАЯ ВОЛНА (29.01.2003)

[4] "Золотой век" Саддама Хусейна. Газета «Известия» (26 февраля 2003).

[5] В Ираке новый учебный — 1937 год «Коммерсантъ-Власть»

[6] С улиц Багдада стирают след Саддама Хусейна. ForUm (19 июля 2008).

[7] С улиц Багдада стирают след Саддама Хусейна. ForUm (19 июля 2008).

[8] Quoted in Lawrence Freedman. A Choice of Enemies: America Confronts the Middle East. New York: PublicAffairs. 2008. pp. 217—218. See also Rabinovich and Shaked, pp. 403—404.

[9] Кувейтский кризис и война в Заливе // А. В. Торкунов. Современные международные отношения